

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗИРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АЖИЕВ АЛИШЕР БАХТЫБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ВА ХОРАЗМНИНГ МАДАНИЙ
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЁВВОЙИ АЖДОДЛАРИ ВА УЛАРНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

03.00.10 - экология, 03.00.05-ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Ажиев Алишер Бахтыбаевич

Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг маданий ўсимликларининг ёввойи
аждодлари ва уларни муҳофаза қилиш..... 3

Ажиев Алишер Бахтыбаевич

Дикорастущие сородичи культурных растений Каракалпакстана и
Хорезма и их охрана..... 29

Ajiev Alisher Baxtibaevich

Wild relatives of cultivated plants of Karakalpakstan and Khorezm and
their protection..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗИРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АЖИЕВ АЛИШЕР БАХТЫБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ВА ХОРАЗМНИНГ МАДАНИЙ
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЁВВОЙИ АЖДОДЛАРИ ВА УЛАРНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

03.00.10 - экология, 03.00.05-ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус–2023

Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2022.1.DSc/B149 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.aknuk.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: **Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна**
биология фанлари доктори, профессор

Хожиматов Олимжон Каххарович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хайдаров Хислат Қудратович**
биология фанлари доктори, профессор

Марков Михаил Витальевич
биология фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Хўжаназаров Ўктам Эштемирович
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.02/30.04.2021.B.79.01 Бир марталик Илмий кенгашининг 2023 йил “__” ____ соат ____ даги мажлисида бўлади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шох кўчаси 41, институт кичик мажлислар зали.Тел: (+99861) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2023 йил “__” ____ да тарқатилди.

(2023 йил “__” ____ даги ____ рақамли баённомаси)

Аимбетов Нагмет Каллиевич
бир марталик Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
Академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
бир марталик Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгашининг илмий котиби, б.ф. PhD

Матчанов Азат Таупалдиевич
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
Қошидаги бир марталик илмий
семинар раиси, б.ф.д, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга булган талабнинг ортиши озиқ-овқат хом-ашёсини етқизиб беришда ўсимлик ресурсларидан нооқилона фойдаланиш ҳолатини келтириб чиқармоқда. Маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодларини ўрганиш, кўпайтириш ва наслчилик ишлари тизимининг ривожламаганлиги, қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг самарали навларини яратишда ёввойи ўсимликлардан, хусусан, маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодларидан фойдаланиш бўйича ишончли маълумотларни етишмаслиги улардан самарасиз фойдаланишни таъминламоқда. Бу борада маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари хорологиясининг ҳозирги ҳолатини комплекс экологик таҳлил қилиш, уларнинг ҳолатига таъсир этувчи экологик омилларни аниқлаш, ўзига хос табиий-иқлим шароитларига мослашган биопотенциалдан фойдаланиш, шунингдек, маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари вакиллари сақлаш чора-тадбирлари муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда селекция иммунитетини, экстремал об-ҳаво омилларига чидамлилигини, маҳсулот сифатини, шунингдек, маданий ўсимликлар ёввойи аждодлари билан дурагайлашда жуда муҳим бўлган маданий навлар архитектурасини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодларини ўрганиш, кўпайтиришда фойдаланиш ва уларни асраб-авайлаш нафақат қишлоқ хўжалиги, балки халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари қимматли манба материал бўлиб, селекция санъатининг такомиллашуви билан аҳамиятини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш ва яхшилаш, табиатни таркиби қисми бўлган маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодларини экологик ҳолатини очиб бериш ва муҳофаза чораларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлардан муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, агроценозлар ва табиий экосистемалар тупроқларида учрайдиган тур таркиби, биологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишдаги ролини асослаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПФ-5074-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3932-сон Фармонида ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларга шарҳи². Маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларининг (МЎЁА) тур таркибини, уларнинг табиий географик ва маъмурий ҳудудлар бўйича тақсимланишини хариталаш ва эндемик фракцияларини ўрганишга ва муҳофазасига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Bioversity International (Италия), KUL Бельгия, University of Essex (Великобритания), Indigenous Partnership for Agrobiodiversity and Food Sovereignty (Италия), School of Biosciences, University of Birmingham (Великобритания), Area de Biodiversidad y Conservación ESCET (Испания), International Centre for Tropical Agriculture, (Колумбия), Боғдорчиликни яхшилаш ва ўрганиш институти (Шри-Ланка), Биологик маълумотлар базалари лабораторияси (Венгрия), Н.И.Вавилов номидаги илмий-тадқиқот институти Агроботаника ва ўсимликлар генетик ресурсларини in situ сақлаш бўлими, РФА В.Л.Комаров номидаги ботаника институти, "Башкирия" миллий боғи (Россия), Табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги (Арманистон), Манғишлоқ экспериментал ботаника боғи, С.Сейфуллин номидаги Қозоғистон агротехника университети (Қозоғистон), Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Генетик ресурслар институти, Ўзбекистонда маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодлари ҳақидаги миллий ахборот тизими ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодлари тарқалиши бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тарихий шаклланиши ва фитоценотик хилма-хиллиги аниқланган, экологик омиллар таъсирида ўзгаришлари баҳоланган ва тарқалиш хариталари ишлаб чиқилган (Bioversity International, Regional Agency for Agricultural Development (ARSSA), Avezzano, Италия), табиий ва

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шаҳри <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, researchgate.net, <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

антропоген омиллар таъсирида эндемик турларни мониторинг усуллари ишлаб чиқилган (Area de Biodiversidad y Conservaciyn ESCET, Испания, Манғишлоқ экспериментал ботаника боғи, Қозоғистон), in situ сақлашнинг такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқилган (Биологик маълумотлар базаси лабораторияси, Венгрия, Н.И.Вавилов номидаги илмий-тадқиқот институти Агроботаника ва ўсимликлар генетик ресурсларини in situ сақлаш бўлими, Россия); маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодлари генофондини ўрганилаётган ҳудудда муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг энг кўп тур хилма-хиллиги тўпланган жойлари аниқланган (Indigenous Partnership for Agrobiodiversity and Food Sovereignty, Италия, Озарбайжон Миллий Фанлар Академияси Генетика ресурслари институти).

Дунёда ноёб ва эндемик маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларининг турларини сақлаш ва уларнинг тур хилма-хиллигининг экологик хусусиятларини аниқлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда: экологик мойиллик ва МЎЁА тарқалишини аниқлаш, электрон маълумотлар базасини шакллантириш, кадастрини тузиш, ландшафтларнинг антропоген ўзгариши таъсирида МЎЁАнинг йўқолиб кетиш хавфи остида турган ноёб ва эндемик турларини муҳофаза қилиш бўйича амалий самарали чора ва тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, хўжалик қимматли турларни мониторингини ўтказиш ва in situ сақлаб қолиш механизмларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларининг тур таркибини, уларнинг тарқалиш ҳудудларини ўрганиш бўйича хорижий тадқиқотчилар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилди, масалан: Bennett, S.J. and Bullita, S. (2003); Esquinas-Alcazar J. (2005); Heywood, V.H. (2006); Asdal, Asmund (2006); Lane, A. (2006); Gea Galluzzi, Pablo Eyzaguirre, Valeria Negri. (2008); Iriondo, J., Dulloo, M.E. (2008); Al-Atawneh, N., Amri, A., Assi, R. (2008); Kell, S.P., Laguna, L., Iriondo, J. and Dulloo, M.E. (2008); Maxted, N.&Kell, S.P., (2009); Burney, D.A. and Burney, L.P. (2009); Volk, G.M., Ruichards, C.M., Henk, A.D., Reilley, A.A., Reeves, P.A., Forsline, P.E. and Ardwinckle, H.S. (2009); Reny Orellana Halkyer and Juan Pablo Ramos Morales, (2009); Thormann I, Gaisberger H, Mattei F, Snook L, Arnaud E. (2012); Douma, C.; Koutis, K.; Thanopoulos, R.; Tsigou, R.; Galanidis, A.; Bebeli, P.J. (2016); Karanikolas, P., Bebeli, P.J., Thanopoulos, R. (2017); Benlioglu, B., Adak, M.S. (2019); ва бошқалар.

Ўзбекистон ҳудуди ва МДХ мамлакатлар учун маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларининг тур таркибини, уларнинг тарқалиш ҳудудларини ўрганиш, шунингдек, уларнинг экологияси ва муҳофаза қилиш бўйича Чухина, 2003; Рябова, 2003; Смекалова, 2005, 2011; Жук., 2011; Мифтахова, Абрамова, 2013; Мифтахова ва бошқ., 2014; Данилова ва бошқ., 2014 (Россия), Акпаров, ва бошқ., 2009 (Озарбайжон), Абдуллаев, 2013; Ситпаева ва бошқ., 2013; Кокорева, Лысенко, 2013; Нашенов, Нашенова, 2015 (Қозоғистон), Чотчаева, 2016 (Карачево-Черкесия) ва бошқ. томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти минтақаси учун бундай тадқиқотлар ўтказилмаган. Шу билан бирга, табиий комплексларга антропоген таъсирнинг деградацияга олиб келадиган энг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бўлиб, бу, биринчи навбатда, Орол денгизининг қуриши, шунингдек, саноатнинг ривожланиш даражаси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ерларнинг кўп асрлик фаол ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб, муҳим амалий аҳамиятга касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ Табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ Фа-Ф1-ГОО4 “Гидрорежимнинг ўзгарувчанлиги ва иқлимнинг ўзгариши шароитларида Жанубий Оролбўйи табиий муҳити ва биотасининг трансформацияси динамикасини комплекс тадқиқ қилиш” (2012-2016 йй.) лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти маданий ўсимликларининг ёввойи аждодларининг хорологиясини комплекс экологик таҳлил қилиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти минтақасидаги МЎЁА таркиби ва систематик тузилишини баҳолаш;

МЎЁА конспектини тузиш ва ўсимлик дунёсида маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари элементини аниқлаш;

флора элеменлари сифатида МЎЁАнинг таксономик, экологик ва географик таҳлилини ўтказиш ва *in situ* муҳофаза қилишни талаб қилувчи йўқолиб кетиш хавфи остидаги эндемик турларни аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти минтақасидаги эндемик, кам учрайдиган, заиф, шунингдек, хўжалик учун аҳамиятли бўлган МЎЁА турларининг фитоценотик тарқалишини тадқиқ қилиш ва уларни сақлаб қолиш заърур жамоаларни аниқлаш;

ўрганилаётган ҳудудда маданий ўсимликларнинг генофондини сақлаб қолиш учун муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш мақсадида уларнинг энг кўп тур хилма-хиллиги тўпланган жойларни аниқлаш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни яратиш учун ўрганилаётган ҳудудда МЎЁА ни *in situ* сақлаш ва ўсимликларни Қизил китобга киритиш бўйича илмий-асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, ўсимликлардан самарали фойдаланиш учун амалиётда олинган натижалар асосида назорат қилувчи органларга тегишли ҳужжатларни тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги табиий флораси маданий ўсимликларининг ёввойи аждодлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларининг экологияси, хўжалик аҳамияти ва муҳофазаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда экологик (мониторинг, маршрутли, ярим стационар, кузатиш), флористик, таксономик, географик, статистик таҳлил (Excel) ҳамда ГАТ–хариталарини яратиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти флорасидаги МЎЁАнинг экологик хусусиятлари ва таксономик таркиби аниқланган, ҳамда турларнинг хўжаликтаги аҳамияти тавсифланган;

илк бор Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларининг 10 турининг янги жойлари аниқланган;

39 ойла, 117 авлодга мансуб 171 турдаги ноёб ва эндемик МЎЁА турларининг конспекти тузилган, шу жумладан хўжалик жиҳатдан қимматли турлар гуруҳлари - Chenopodiaceae-27, Poaceae-25, Fabaceae-15, Asteraceae va Brassicaceae-13 турдан ва Polygonaceae-7 тур аниқланган;

илк бор Россия Федерацияси Гербарий фондларининг ноёб коллекциялари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларининг турлари билан бойитилган;

геоботаник ёндошув асосида Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари учун МЎЁА ўсимликлар жамоаларини сақлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ареал чегарасидаги хўжалик қимматли МЎЁА турларининг ГАТ хариталари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

МЎЁАни кейинги ресурс ва популяциявий ўрганишга асосланган тадқиқотлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот ҳудудида МЎЁАни in situ сақлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ўрганилаётган ҳудудда МЎЁАнинг генофондини мобилизациялаш ва сақлаш мақсадида энг катта тур хилма-хиллиги тўпланиш жойлари аниқланган;

Ўзбекистонда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида янги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни яратиш ва ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги классик ва замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар ўтказиш, илмий ёндашувлар ва таҳлиллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мос келиши, етакчи илмий нашрларда эълон қилиниши, жараёнда илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиши билан, давлат фундаментал лойиҳаларини амалга ошириш, амалий натижаларни ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқлаш ва ишлаб чиқилган амалий тавсияларни амалиётга жорий этиш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти маданий ўсимликларининг ёввойи аждодларининг тур хилма-хиллигини комплекс таҳлил қилиш, ноёб ва эндемик турларнинг ўсиш ҳудудларини аниқлаш, уларнинг хўжалик аҳамиятини баҳолаш, муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш тўғрисида чора-тадбирларни ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, хариталаш, экологик таснифлаш, уларга таъсир этувчи экологик омилларни баҳолаш, маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодларидан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг маданий ўсимликларининг ёввойи аждодлари таҳлил қилиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодларини ўрганиш ва уларни *in situ* муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Қўмитасининг 2020 йил 23 августдаги 02/18-1-2244-сон маълумотномаси). Натижада, атроф-муҳит ҳолатининг экологик мониторинги дастурларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида маданий ўсимликларнинг 10 турдаги ёввойи аждодларининг янги жойлашувлари бўйича олинган натижалар Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси фаолияти амалиётида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг 2021 йил 16 апрелдаги 223-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудуд флорасининг бой генофондини сақлашга, ўсимлик ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган хўжалик фаолиятини режалаштириш учун илмий асос бўлиб хизмат қилган;

маданий ўсимликларининг ёввойи аждодлари бўйича тузилган концепт ва хўжалик-қимматли турлар гуруҳлари бўйича аниқламалар Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 апрелдаги 01/07-3-155-сон маълумотномаси). Натижада, ўсимлик ресурсларини, хусусан, Қорақалпоғистоннинг хўжалик аҳамиятига молик маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодларини муҳофаза қилиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг маданий ўсимликларининг ёввойи аждодларидан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб

чиқилган амалий ва услубий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 майдаги 02/013-1273-сон маълумотномаси). Натижада, ўсимлик ресурсларини, хусусан, Қорақалпоғистоннинг хўжалик аҳамиятига эга бўлган маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларини муҳофаза қилиш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларинининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, жумладан, 7 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 205 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий этиш асослари, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларини ўрганиш тарихи”** биринчи бобида ҳозирги кунгача хорижда ва Ўзбекистонда маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодлари флораси, географияси, экологиясини ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар натижалари, шу жумладан иқтисодий қиймати, ушбу мавзу бўйича нашр этилган адабиёт маълумотлари таҳлил келтирилган.

“Ўрганилаётган ҳудуднинг физик-географик шароити” иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари очиб берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм видояти ҳудудида табиий, тупроқ-иқлим шароитлари, флористик таркиби ва замонавий хўжалиқдан фойдаланиш умумийлигига кўра, бир-биридан кескин фарқ қилувчи тўртта табиий минтақани ажратиш мумкин: Амударёнинг қуйи оқими, Қорақалпоқ Қизилқум, Устюрт платоси ва Орол денгизининг қуриган туби (Оролқум).


«Тадқиқот материаллари, усуллари ва объектлари» учинчи бобида тадқиқот усуллари ва материаллари кўрсатилган. Иш Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг бутун ўрганилаётган худудининг гербарий коллекциялари ва геоботаник тавсифлари материалларига асосланган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти флорасидаги МЎЁАнинг турларини инвентаризация қилиш ва 14 турли диапазонли хариталарини тузиш учун ЎзР ФА ҚҚБ Табиий фанлари институти, ЎзР ФА Ботаника институти, Цицин номидаги РФА Бош ботаника боғи, Москва педагогика давлат университети Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси Химия-биология институти ботаника кафедраси проф.Еленевский номидаги фондларининг гербарий коллекциялари гербарияси - жами 2500 дан ортиқ гербарий варақлари кўриб чиқилди; кўплаб адабиёт маълумотлари; МЎЁА рўйхатини тузишда турли йиллардаги ЎзР ФА ҚҚБ экспедициялари архивидан олинган материаллар ҳам ҳисобга олинган; Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ўтлоқ, дашт ва ўрмон чекка ўсимликларининг геоботаник тавсифларини жадвалли қайта ишлаш материаллари.

2013-2020 йиллар даврида ўсимликлар жамоалари таркибида МЎЁАни ўрганиш учун 34 та экспедиция амалга оширилди. Қорақалпоғистон Оролбўйида, Қорақалпоғистоннинг Қизилқум худудидаги чўл зонасида, Оролқум, Устюрт платосининг Қорақалпоқ қисми (кейинги ўринларда Устюрт платоси), Амударё дельтаси, Қолдиқ баландликлар ва Хоразм вилоятида дала тадқиқотлари олиб борилди.

Материалларни йиғиш белгиланган йўналишлар бўйича ва маълум худудларда амалга оширилди (1-расм). Таҳлил объекти озик-овқат, ем-хашак, доривор, декоратив, асал берувчи ва техник аҳамиятга эга бўлган МЎЁА турлари булди (Каталог ..., 2005; Давлат реестри ..., 2014). Таксонларнинг номлари С.К.Черепанов (1995) хулосасига мувофиқ берилган.

МЎЁАни таҳлил қилишда флористик таҳлил техникасидан (Толмачев, 1986; Юрцев, Камелин, 1991; Шмидт, 2005 ва бошқалар), шу жумладан қиёсий флористиканинг математик усуллари (Шмидт, 1984) фойдаланилган. Турли хил табиий худудларда МЎЁА нинг таксономик таркибини таққослаш учун қуйидаги формула бўйича ҳисобланган Жаккард коэффициенти ишлатилган (Жаккар, 1901; Шмидт, 2005). МЎЁА муҳофазаси учун устувор турлар иккита мезон асосида аниқланди: 1. ноёблик ва заифлик; 2. Қариндошлик ва иқтисодий қиймат (Смекалова, 2011). Ўрганилаётган худуддаги камёб турлар қаторига заиф МЎЁАлар Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турлар (2009), флоранинг айрим эндемик ва реликт турлари (Ережепов, 1978), шунингдек, энг заиф жойларда ўсадиган турлари киритилган.



Расм 1. Тадқиқот маршрутларининг харита-схемаси (Google Earth)

МЎЁА муҳофазаси учун устувор турлар иккита мезон асосида аниқланди: 1. ноёблик ва заифлик; 2. Қариндошлик ва иқтисодий қиймат (Смекалова, 2011). Ўрганилаётган ҳудуддаги камёб турлар қаторига заиф МЎЁАлар Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турлар (2009), флоранинг айрим эндемик ва реликт турлари (Ережепов, 1978), шунингдек, энг заиф жойларда ўсадиган турлари киритилган.

МЎЁАнинг ўзаро қариндошлигини ва иқтисодий қийматини баҳолашда ВИР (Бутунроссия ўсимликшунослик институти)нинг агроботаника бўлими томонидан ишлаб чиқилган рейтингдан фойдаланилди, бу бир нечта кўрсаткичларга асосланади: наслчилик жараёнида иштирок этиш; маданий турга систематик яқинлик; иқтисодий мақсадларда фойдаланиш даражаси (Каталог..., 2005): I ранг – бевосита маданий фойдаланилаётган турлар, наслчилик навларига ега; II ранг - генлар манбаи ёки пайвандтаг сифатида ишлатиладиган чатиштиришда бевосита иштирок этадиган турлар; III ранг – маданий ўсимлик турларига яқин бўлган турлар (битта бўлим, битта кичик туркумнинг бир қисми сифатида), иқтисодий фойдаланиш учун истиқболли; IV ранг – йиғиш ва халқ селекциясида қўлланиладиган туркумнинг бошқа фойдали турлари (навлари йук); V ранг – бу туркумнинг бошқа барча турлари.

Биринчи икки ранглар турлар энг кўп талаб қилинадиган ва ўсимликчиликда фаол қўлланиладиган табиатда муҳофаза қилиш учун устувор турлардир. Ўрганилаётган ҳудуд ўсимликларини тавсифлаш учун ўсимликларнинг экологик-флористик таснифи қўлланилган (Александрова, 1969; Миркин ва Наумова, 2012).

Шунингдек, ушбу бобда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида МЎЁАнинг 171 тури бўйича қисқача маълумот берилган. Таклиф етилган конспектда оилалар одатда сўнгги йилларда Россиянинг "Флора" ва "Определитель"лари томонидан қабул қилинган тизимга мувофиқ тартибга солинади (Тахтаджян, 1966). Оилалар ва турлар туркумлари (лотин номларида) - алифбо тартибда. Синфлар ва оилалар терминологияси Тахтаджян (1966) томонидан берилган ва Черепанов (1995) га нисбатан текширилган.

“Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодлари турларининг биологик таҳлили” туртинчи бобида МЎЁАнинг экологик, таксономик, ботаник-географик, таҳлили ва худудидаги ўсимликларнинг тарқалишига абиотик омиллар таъсирининг экологик таҳлили ўтказилган. МЎЁАнинг таксономик тузилиши бутун флора билан солиштирганда ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги айтилади. Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти флорасида маданий ўсимликларнинг 117 туркум ва 39 оилага мансуб жами 171 турдаги ёввойи аجدодлари қайд этилган.

Маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодлари бешта энг йирик оилалар таксономик таркибининг алоҳида хилма-хиллиги билан ажралиб туради: *Chenopodiaceae*, *Roaceae*, *Fabaceae*, *Asteraceae* ва *Brassicaceae*, улар 62 авлод ва 95 турни ёки мос равишда 52,9 ва 55,5% маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларининг умумий сонидан иборат.

Ўсимликлар туркумларининг ареаллар бўйича тақсимланиши шуни кўрсатдики, туркумларнинг ареаллар бўйича энг кўп *Roaceae* оиласига тегишли – Амударё дельтасида 13 та, Хоразм вилоятида 12 тур. Бундан ташқари, Устюрт ва Қизилқум худудида туркумлар сони бўйича *Chenopodiaceae* оиласи 10 туркум билан олдига чиққан. *Asteraceae* ва *Fabaceae* оилалари Амударё дельтасида 8 тадан, Хоразм вилоятда эса 7 тадан туркумга эга.

Турларни аниқлаш таҳлили шуни кўрсатдики, МЎЁА турларининг энг кўп сони Амударё дельтасида *Roaceae* (18 тур), *Chenopodiaceae*, (15), *Fabaceae*, (11) ва *Asteraceae*, (10) оилаларида булди. Шунингдек, барча ўрганилган худудларда турлар бўйича энг юқори кўрсаткич *Chenopodiaceae* оиласига тегишли эди. Шунга кўра Устюртда-21, Қизилқумда-18, Амударё дельтасида-15 ва Хоразмда-13 тур.

Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти флорасида маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодлари орасида алоҳида ўрганиш ва муҳофаза қилишни талаб қилувчи 3 та эндемик ва 1 та реликт тури мавжуд. Буларнинг ареаллари ўрганилаётган худудда жуда чекланган. Бу ерда учрайдиган эндемик турлардан энг кўп тарқалгани *Stipa barchanica* Lomon., бўлиб, Устюрт ва Қизилқумнинг 2 та туманида учрайди.

Ўрганилаётган флора учун топ локализация қилинган эндемик турлар *Lagochilus acutilobus* (Ledeb.) Fisch. & С.А.Мей. Устюртда ва *Calligonum* ×

densum I.G.Borshch., Қизилқумда топилган. Реликт тури - *Malacocarpus crithmifolius* (Retz.) Fisch. & С.А.Мей., фақат Устюрт платосида учрайди.

Эндемик турларнинг бундай локализацияси, шунингдек, бир қатор субрегионларда қўриқланадиган ҳудудларни яратиш орқали маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларини пухта ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидлаш имконини беради.

Учоғдаги маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларининг эндемик таксонларининг тарқалишида маълум бир қонуният кузатилади. Аниқроғи, барча эндемик турлар асосан ўт ўсимликлари бўлиб, улар асосан ўрганилаётган диапазоннинг пасттекислик чўл қисмларида учрайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг турли ҳудудлари МЎЁАнинг тизимли ўхшашлигини солиштириш учун биз Жаккард коэффициентини ҳисоблаб чиқдик (Жаккар, 1901; Шмидт, 2005). Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг турли географик зоналари: Амударё дельталари (АД), Устюрт (Ус), Қизилқумов (Қк), Оролқумов (Оқ) ва Хоразм вилояти (Хз) нинг МУЁА таркиби бўйича ўзаро таққослашлар ўтказилди. Таққослашлар шуни кўрсатдики, Амударё дельтаси ва Хоразмнинг флоралари энг ўхшаш бўлиб, кўрсаткичлари 0,81 га тенг, энг кам ўхшашлари эса Хоразм-Оролқум 0,13 ва Амударё ва Оролқум бўлиб, уларда кўрсаткичлар 0,12 бўлган.

Қизилқум-Хоразм ва Қизилқум-Амударё флорасини солиштирганда нисбатан бир хил кўрсаткичлар кузатилди (мос равишда 0,31 ва 0,30), Устюрт-Амударё ва Устюрт-Хоразм флорасида - 0,23.

Шундай қилиб, таксономик таркиби ва систематик тузилиши жиҳатидан Амударё дельтасининг МЎЁА Хоразм вилояти МЎЁА га энг яқин жойлашган. Олинган натижалар, умуман олганда, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятининг кўп қисми битта фитохорион таркибига киради - Амударёнинг Қизилқум билан кескин чегарадош дельта зонаси; бундан ташқари, ҳудудлар бир хил табиий зоналарда жойлашган.

Турларнинг ареалларининг типларини классификациялашнинг дастлабки ишлашини ўрганишда (Meusel H., Jager E., Weinert E., 1956; Камелин Р.В. 1973б; Тахтаджян Ф.Л., 1978 ва бошқалар), биз маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодлари турларининг ярмидан кўпи учун яшаш жойлари ареалларининг таърифини таснифи бўйича ареаллар диапазони конфигурацияси асосида тузилган. Қуйида келтирилган рўйхатда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги МЎЁА у ёки бу турига хос бўлган 32 турдаги яшаш ареаллари типлари келтирилган.

Ўрганилаётган ҳудудда микдорий жиҳатдан энг муҳим ўрин маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларига тегишли бўлиб, уларнинг майдонлари асосан Турон типигаги ҳудуди билан чегараланган (95 тур ёки 55,5%). Булар Турон-20, Эрон-Туран-38, Ўрта денгиз-Эрон-Турон-18, Турон-Мўғул-4, Ўртаденгиз-Турон, Кичикосиё ва Кичиксиё-Эрон-Турон ареаллари иккита ва Кавказ-туран типигаги ареали учун битта тур келтирилган (1-жадвал).

**Маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодлари турларининг ареаллар
типлари бўйича тақсимланиши**

№	Ареал типи	Турлар сони	МЎЁА умумий сонидан, %
1.	Эрон-Туран	38	22,22
2.	Палеоарктик	20	11,70
3.	Турон	22	12,87
4.	Ўртаер денгиз-Эрон-Турон	18	10,53
5.	Космополит	8	4,68
6.	Голоарктик	8	4,68
7.	Сарматиялик	7	4,10
8.	Шарқий Ўртаер денгизи-эрон-турон	6	3,51
9.	Арал-каспийлик	5	2,92
10.	Ўртаер денгиз-Турон	4	2,34
11.	Турон-Мўғул	4	2,34
12.	Понтик-сарматиялик	4	2,34
13.	Ғарбий Палеоарктика	3	1,75
14.	Ғарбий Осиёлик	2	1,18
15.	Кичикосиё-Турон	2	1,18
16.	Кичикосиё-Эрон-Турон	2	1,18
17.	Шарқий Ўртаер денгизи	2	1,18
18.	Адвентив	2	1,18
19.	Марказий Осиё	1	0,58
20.	Европалик	1	0,58
21.	Европа-Кавказ-Марказий Осиё-Ҳимолой олди	1	0,58
22.	Ўртаер денгизи-голоарктика	1	0,58
23.	Ўртаер денгизи	1	0,58
24.	Сармат-палеоарктика	1	0,58
25.	Каспий олди	1	0,58
26.	Понтик-Ўртаер денгизи	1	0,58
27.	Кичикосиё	1	0,58
28.	Кавказ-туран	1	0,58
29.	Эрон	1	0,58
30.	Эрон-тоғли Ўрта Осиё	1	0,58
31.	Тоғли Ўрта Осиё	1	0,58
32.	Европа-Шарқий Осиё	1	0,58
	Жами	171	100

Маданий ўсимликларнинг тоғ-Ўрта Осиё типдаги ёввойи аجدодлари турлари асосан Ўрта Осиё ўчоғи чегараларида ўсади (*Amygdalus spinossisima* Bunge – Тоғли Ўрта Осиё ва *Crataegus pontiaca* С.Коч – Эрон-тоғли Ўрта Осиё). Улар Қадимги Ўрта ер денгизининг турли қисмларининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун биз қайд этган икки турдаги яшаш жойларининг турларини (тоғли Ўрта Осиё ва Қадимги Ўрта ер денгизи) умумлаштириб, уларни Қадимги Ўрта ер денгизи билан боғлиқ турлар деб айтишимиз

мумкин. Бунга шунингдек, Эрон-тоғли Ўрта Осиё, Эрон-Туран, Эрон ареаллар типлари турларни ҳам киритиш мумкин (бундай 40 тур мавжуд) (1-жадвал).

Учоғдаги палеарктика типдаги сезиларли ўрин эгаллайди. Бундай 25 та тур мавжуд, яъни учоғнинг барча ёввойи аждодларининг тахминан 14,6%. Яшаш жойларининг энг катта уч типининг турларини умумлаштирсак, улар 102 та ёки 59,6 фоизи борлигини аниқлаймиз. Ушбу маълумотлар диққат марказидаги маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодларининг аксарият турлари Қадимги Ўрта ер денгизи билан боғлиқлигини ва уларнинг келиб чиқиши узок ўтмишга бориб тақалишини таъкидлаш имконини беради.

МЎЁА орасида қуйидаги турлар қайд етилган: ҳудуднинг галоарктик типи билан - саккиз тур, сармат типи билан - еттита ва космополит типдаги саккиз тур. Тўрт тур Европа, Кавказ, Сибир ҳудудлари билан боғлиқ: улардан бири Европа типдаги ҳудуд (*Bromus racemosus* L.), Европа-Кавказ-Марказий Осиё-Ҳимолой типдаги ҳудуд билан, биттаси - *Eruca sativa* Mill., Кавказ-Туран типдаги ҳудуд - *Trachomitum scabrium* (Russanov) Pobed., ва Европа-Шарқий Осиё типдаги бир тур - *Bromus japonicus* Thunb. Қолган 18 турдаги ареаллар диққат марказида жуда заиф ифодаланган ва 1-5 тур билан келтирилган. Шундай қилиб, МЎЁА тур таркибини таҳлил қилиш уларнинг яшаш муҳити жуда хилма-хиллигини кўрсатади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги МЎЁА таркибини ҳаёт шакллари бўйича таҳлил қилсак, 171 тур ичида энг кўп улуш кўп йиллик ўсимликлар (62 тур ёки 36,2%), иккинчи ўринда бир йиллик ва икки йиллик ўсимликлар (55 ёки 32,16 %) тўғри келишини аниқлаймиз, учинчиси буталар (18 ёки 10,5%), ундан кейин дарахтлар (13 ёки 7,6%) (2-жадвал). МЎЁА ҳудудлари таҳлили натижасида маълум бўлишича, уларнинг кўп қисми Амударё дельтаси ва Хоразм вилояти ҳудудида (мос равишда 112 ва 98 тур), Устюртда бирмунча камроқ тарқалган (85) ва Қизилқумда (78) ва энг ками 18 тури Оролқумга тегишли.

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятимаданий ўсимликларининг ёввойи аждодларини ҳаёт шакллари бўйича таҳлили

Ареал	Сони			Хаётий шакли					
	оила	туркум	тур	дарахт	бута	ярим бута	ўтлар		
							кўп йил	икки йил	бир йил
Амударья дельтаси	31	81	112	8	8	5	33	5	53
Устюрт	33	73	98	8	5	6	31	4	44
Қизилқум	26	62	87	5	10	13	30	5	24
Оралқум	24	58	79	4	11	10	21	3	30
Хоразм вил.	9	13	16	-	2	6	4	-	4
Жами	38	117	171	13	18	12	60	10	56

Бу ерда кўплаб турларнинг бир вақтнинг ўзида икки ёки учта худудда яшашини айтиб кетиш керак. Иқтисодий қимматли турларнинг ҳаёт шакллари бўйича тарқалиши таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг мутлак кўпчилиги ўт ўсимликларидир. Ёғочли ўсимликлар: дарахтлар, буталар ва ярим буталар жуда кам ифодаланади.

МЎЁА ва уларнинг турли хил яшаш шакллари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш қизиқиш туғдиради (3-жадвал). Ўрганилаётган худудда МЎЁА яшаш шакллари таҳлили шуни кўрсатдики, ёввойи турларнинг улуши 74,9% (128 тур), етиштириладиган 43 таси эса 24,1% ни ташкил қилди.

3-жадвал

Маданий ўсимликларнинг ёввойи қариндошларининг ўчоқда яшаш шакллари

Мавжудлик шакллари	Турлар сони	Жамидан %
Ёввойи (128 та) шундан:		
фақат ёввойи ҳолда ўсадиган	35	20,47
ёввойи ва бегона ўтлар	21	12,28
ёввойи ва маданий	44	25,73
ёввойи, маданий ва ёввойиладиган	1	0,58
ёввойи, маданий ва бегона ўтлар	19	11,11
ёввойи, маданий, бегона ўтлар ва ёввойиладиганлар	8	4,68
Улардан 43 таси етиштириладиган:		
етиштириладиган ва ёввойи	9	5,26
етиштириладиган ва бегона ўтлар	8	4,68
етиштириладиган, бегона ўтлар ва ёввойи ўтлар	10	5,85
бегона ўтлар	16	9,36

Ёввойи турлардан ёввойи ва маданий ҳолда ўсадиган сонининг 34,4% (44 тур) ва биз МЎЁА томонидан аниқланган барча турларнинг 25,7% ташкил этди.

Ёввойи, маданий ва бегона ўтлар шаклларида 19 таси аниқланиб 14,8% ни ташкил этди. Фақат битта тур - *Onobrychis micrantha* Schrenk ex Fisch. & С.А.Меу. ёввойи, маданий ва ёввойиладиган шаклда булди.

Етиштириладиган маданий ўсимликлар орасида бегона ўтлар устунлик қилди, бу МЎЁА умумий микдорининг 9,4% (16 тур) ни ташкил этди. Кейин бир тур фарқи билан етиштириладиган, бегона ўтлар ва ёввойи ўтлар 10 тур (5,8%), етиштириладиган ва ёввойи 9 (5,2%) ва етиштириладиган ва бегона ўтлар 8 (4,6%) турлари булди.

Экологик-ценотик таҳлилнинг мақсади, ўрганилаётган худуддаги МЎЁАнинг характери ва ўзига хос яшаш жойларини ўрганиш эди. П.В.Куликов (2005) таснифидан фойдаланиб, биз МЎЁА нинг 8 та экологик-ценотик гуруҳини аниқладик, натижада олинган гуруҳлар 16 та кичик гуруҳларга бўлинган.

1. Тўқай гуруҳи ўзида: МЎЁА тегишли тўқай турлари (тўқай кичик гуруҳи).

2. Тошлилар гуруҳига карбонатли жинслар чиқиндиси билан чегараланган ва тошли қоялар, ён бағирлар ва қоялар устида ўсадиган МЎЁА турлари киритилди.

3. Рудерал гуруҳни рудерал яшаш жойларига хос бўлган МЎЁА турларидан шаклланди.

4. Соҳил бўйи гуруҳига қирғоқ ўсимликларининг турлари (соҳил бўйи кичик гуруҳи); ва ўрмонларда ва сув ҳавзалари қирғоқларида учрайдиган турлари кирди (соҳил бўйи- ўрмонлари кичик гуруҳи).


5. Бегона ўтлар гуруҳига суғориш ариқлари бўйида, ташландиқ жой ваа ўринларда ўсадиган МЎЁА турлари киради.

6. Галофит гуруҳини қуйидагилар ташкил этган: шўр ўтлоқлар турлари (галофит-ўтлоқи кичик гуруҳи); ва шўрланган даштлар (галофит-қумли кичик гуруҳ).

7. Чўл гуруҳига қуйидагилар киритилди: МЎЁАнинг ҳақиқий чўл турлари (чўл кичик гуруҳи); лойли-қумли чўлларнинг турлари (лойли-қумли кичик гуруҳ); шағалли чўлларнинг турлари (шағал-қумли кичик гуруҳ).

8. Яйлов гуруҳи қуйидагилардан иборат топди: аслида ўтлоқ турлари МЎЁА (ўтлоқ кичик гуруҳи); нам ўтлоқлар турлари (нам-ўтлоқ кенжа гуруҳи; қумли ўтлоқлар турлари (қумли-ўтлоқлар кичик гуруҳи); ўтлоқлар ва ўрмон чеккаларига хос турлар (тўқай четлари кичик гуруҳи); ўтлоқларда ва сув ҳавзалари қирғоқларида (соҳил бўйи-ўтлоқи) учрайдиган турлар.

МЎЁА турларининг катта қисми чўл, ўтлоқ ва галофит ўсимликларига тегишли булиб чиқди (2-расм).



Расм 2. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти флорасида МЎЁА экологик-ценотик гуруҳларнинг фоиз нисбати


МЎЁА экологик-ценотик тuzилишида галофит гуруҳининг мавжудлиги худудда шўрланган тупроқларнинг тарқалиши билан изоҳланади. Галофит МЎЁАларнинг катта қисми шўрланган қумлар (20 тур) билан боғлиқ, баъзи турлари (10) ўтлоқ ўсимликлари таркибида шўрхок ва шўр тупроқларда ўсади.

Экологик-ценотик таҳлил натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти МЎЁА асосан чўл ва ўтлоқ ўсимликлари (58,5%) эканлиги аниқланди. Шу билан бирга, муҳим улуш (19,9%) тор экологик амплитудага


эга бўлган турлар бўлиб, улар маълум яшаш жойлари билан чегараланган: шўрланган туپроқлар ва қирғоқ (соҳил ва қирғоқ ўтлоқи).

Ўсимликларнинг кенгисликдаги тарқалишига факторлар таъсирининг экологик анализи деган 4.4. параграфта ўсимликнинг тарқалиши билан температуранинг боғлиқлигининг корреляцион анализи ўтказилган.


Бизларнинг текширилган ҳудуд минтақаси МЎЁА оилалари сонининг тарқалиши билан ҳаво температураси курсаткичларининг корреляцион боғлиқлиги бўйича ўтказган анализи уларнинг орасида боғлиқлик борлигини кўрсатди. Энг катта кўрсаткич Амударё дельтасида бўлиб $r=7$ га тенг бўлди. Устюрт $r=6$, Қизилқум ва Хоразмда $r=5$ ва энг паст кўрсаткич Аралқумда $r=2$ ($p>0,001$) га тенг бўлди. Бу эса, текширув олиб борилган территориядаги ўсимликларнинг кўпчилиги, уларга таъсир қилувчи ҳаво температураси ва бошқада экологик факторларга боғлиқлигининг далилидир (3, 4, 5 расм.).



Расм 3. Устюрт платоси (А) ва Қизилқум (Б) даги МЎЁА оилалари сонининг тарқалиши билан ҳаво температураси курсаткичларининг корреляцион боғлиқлиги



Расм 4. Амударё дельтаси (А) ва Аралқум (Б) даги МЎЁА оилалари сонининг тарқалиши билан ҳаво температураси курсаткичларининг корреляцион боғлиқлиги




Расм 5. Хоразм вилояти МЎЁА оилалари сонининг тарқалиши билан хаво температураси курсаткичларининг корреляцион боғлиқлиги

“Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти маданий ўсимликларининг ёввойи аждодларининг иқтисодий қимматли гуруҳларга тақсимланиши” бешинчи бобида Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида МЎЁА турларининг иқтисодий қимматли ўсимликлар гуруҳлари бўйича бўлиштирилиши таҳлил қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида учрайдиган олий ўсимликларнинг МЎЁА таркиби таҳлили хулосасидан 39 оила, 117 туркум ва 171 турдан иборат бўлиб, камида 6 хил хўжалик қимматли турлар гуруҳи мавжудлигини аниқланди. Улардан 140 таси ем-хашак, 79 таси озиқ-овқат, 44 таси асал берувчи, 119 таси доривор, 75 таси техникавий ўсимликлардир (6-расм).

Энг кўп бўлган ем-хашак гуруҳи 140 турни ташкил этиб, энг кўп сони 27 тур билан ифодаланган Chenopodiaceae оиласига тўғри келди. Роасеае оиласи 25 тур, Fabaceae 15 тур билан ифодаланади. Кейин Brassicaceae оиласи 13, Asteraceae 9 ва Polygonaceae 7 тур ўсимлик билан ифодаланди.



Расм 6. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм МЎЁА иқтисодий қимматли гуруҳларга тақсимланиши

Турларнинг сони бўйича кейинги гуруҳ 119 турни ташкил этадиган доривор ўсимликлардир. Улар оилаларга кейинги қуринишда тақсимланди: Chenopodiaceae - 16 тур, Asteraceae - 12 тур, Fabaceae - 11 тур. Polygonaceae

ва Brassicaceae оилаларида 8 тур, Rosaceae ва Solonaceae 5 турдан иборат. Шунни таъкидлаш керакки, улардан фойдаланиш доираси жуда кенг.

Озиқ-овқат ўсимликлари 79 турни ўз ичига олиб ва гуруҳларга кенг тақсимланган. Улардан етакчи ўрин Poaceae оиласининг вакиллари бўлиб, улар 13,9% ёки 11 турни ташкил этди. Турлар сони бўйича, ундан кейин Brassicaceae (9 тур 11,4%), Chenopodiaceae (8 тур 10,12%), Apiaceae ва Fabaceae 6 тур (7,6%), Asteraceae ва Rosaceae 5 тур (6,3%). Қолган оилалар 2 ва 1 тур билан ифодаланган. Salicace, Zygophyllaceae, Cyperaceae, Ranunculaceae, Equisetaceae, Ephedraceae, Boraginaceae, Caryophyllaceae, Iridaceae, Plumbaginaceae, Tamaricaceae ва Turphaceae каби 12 оилада ўзида озиқ-овқат ўсимлик турлари мавжуд эмас.

Турларнинг энг кам сони манзарали ўсимликлар гуруҳида жойлашган. У 28 турдан иборат бўлиб, улардан баъзилари бевосита диссертация муаллифи томонидан таклиф қилинган. Турларнинг энг кўп сони Rosaceae оиласида (5) бўлиб, бу ерда барча вакиллари декоратив мақсадларда ишлатилиши мумкин. Асал ўсимликлари 44 тур билан ифодалангани ва бу ерда дуккаклилар-Fabaceae оиласидан 11 турдаги (25%) ўсимликлар устуворлик этмоқда.

Алоҳида оилаларнинг аҳамиятига келсак, иқтисодий жиҳатдан қимматли турлар сонига кўра улар қуйидагича тақсимланган: Poaceae-25, Chenopodiaceae-23, Fabaceae-15, Asteraceae ва Brassicaceae-13 турдан ва Polygonaceae -10 тур (4-жадвал).

5-жадвалдан кўиб турмизки, Амударё дельтаси ҳудуди МЎЁА тур таркибига энг бой ҳудуд бўлиб, энг кичик кўрсаткич Оролқум ҳудудида аниқланган. Бу ерда барча кўрсаткичлар бошқа ҳудудларга нисбатан бир неча даража паст бўлган ва МЎЁА умумий сони 16 турни ташкил этган бўлса, улардан энг кўп доривор ўсимликлар орасида – 14 тур ва ем-хашак 13 турни ташкил этган. Устюрт ва Қизилқумнинг кўрсаткичлари энг юқори кўрстаклардан нисбатан кичикроқ бўлиб, барча гуруҳларда 4-8 турда фарқланади.

4-жадвал

Турли ўсадиган ҳудудларнинг МЎЁА турларини иқтисодий жиҳатдан қимматли ўсимликлар гуруҳлари бўйича тақсимлаш

Ареал	Хўжаликдаги ишлатилиши						Умумий турлар сони
	оо	ех	м	т	дор	асал	
Амударья дельтаси	52	91	12	50	82	33	112
Устюрт	39	71	19	37	65	26	87
Қизилқум	31	65	12	27	53	22	79
Оралқум	6	13	2	5	14	6	16
Хоразм вилояти	47	80	12	44	74	28	98
Жами	79	140	28	75	119	44	171

Изоҳ: оо-озиқ овқат, ех-ем-хашак, м-манзарали, т-техник, дор-доривор, асал берувчи

Турли ҳудудларда ўсадиган МЎЁА турларини ранглар бўйича тақсимланишини ўрганиш шунни кўрсатдики, республикада жами 171 турдаги МЎЁА ичида энг кўп 56 тур 1-гуруҳ, сўнгра турлар сони бўйича 5-гуруҳ

ифодаланади, бу ерда турлар сони 49 куради. Энг кичик кўрсаткич 2-гурухда аниқланди ва 9 турга тенг бўлди (5-жадвал).

Уларнинг тарқалиш ҳудудларини солиштирганда, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти МЎЁА ўртасидаги кўрсаткичлар сони бўйича икки вилоятнинг ўхшашлигини кўрсатувчи қонуният аниқланди.

5-жадвал

Турли ҳудудларда ўсадиган МЎЁА турларини даражалар бўйича тақсимлаш

Ареал	Даражаси					Умумий турлар сони
	1	2	3	4	5	
Амударья дельтаси	40	7	11	26	28	112
Устюрт	26	4	8	18	31	87
Қзилқум	15	7	10	15	32	79
Оралқум	7	0	0	2	7	16
Хоразм вилояти	38	7	9	21	23	98
Жами	56	9	21	36	49	171

Шундай қилиб, Амударё дельтаси ва Хоразм вилоятининг кўрсаткичлари тадқиқотнинг бошқа ареалларига нисбатан юқорироқ ва жуда ўхшаш эди. Ва галдагидек энг паст кўрсаткич Оралқум ҳудудида бўлган.

“Маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодаларини муҳофаза қилишнинг илмий асослари” олтинчи бобида иккита жиҳат кўриб чиқилади, булар: МЎЁА алоҳида турлари ва популяцияларини табиий шароитда муҳофаза қилишга муҳтож турлар ажратилган ҳолда муҳофаза қилиш. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг ноёб ва юқолиб кетиш хавфи остидаги турлари бўйича комиссиясининг таснифига кўра (1975) тоифаларга (0 ва 2): 0 - ноёб турлар ва 2 - турлари камайиб бораётган турларга ажратилган. Бунда турлар қуйидаги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда танланди: тор жойлашув, реликт, камдан-кам тарқалганлиги ва табиатда эксплуатация интенсивлиги.

Шундай экан, инсоният уларни йўқотмаслиги, наслчиликда фойдаланиш имкониятини йўқотиб қўймаслиги керак экан, бу турларни “Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби” нинг навбатдаги нашрига киритишни мақсадга мувофиқ деб биламиз (6 жадвал).

МЎЁАнинг тарқалишини, уларнинг табиатдаги ҳолатини экспедициялар пайтида ва адабиёт маълумотларига кўра чуқур ўрганиш бизга бундай тасвирлар учун уларнинг максимал концентрациясининг микроўчоқларини аниқлаш ва бошқада 8 куриқланадиган табиий ҳудудларнинг (ҚТХ) яратишни таклиф қилиш имконини берди (Ажиев, 2020). Режалаштирилган ҚТХ жойлашуви харитада кўрсатилган - схема 1-8.

МЎЁАни уларнинг энг кўп тўпланган жойларида сақлаш бўйича таклиф қилинган, турларнинг аксарияти муҳофаза этиладиган ҚТХ ларга қўшимча равишда, баъзи ўсимликларнинг тор маҳаллийлаштирилган ноёб ва эндемик турлар популяцияларига эътибор бериш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш учун тавсия этилган
МЎЁА турлари

№	Оилалар ва турлар
	Fabaceae Lindl.
